



Куръони Каримни тез ва осон ёдлашда аҳамият бериладиган асосий жихатларни шу соҳанинг етуқ олимлари ўз асарларида ёзиб қолдирганлар.

1. Куръон ёдлашда ёшнинг муҳимлиги: олимлар, тақрибан, беш ёшдан йигирма уч ёшгача давр ёдлаш ниҳоятда осон, ёддан чиқариш эса секин бўладиган ёш эканини ҳисобга олиб, «Куръон ёдлашда олтин давр» деб номлаганлар. Аммо йигирма уч ёшдан кейин инсонда ёдлаш қобилияти сусайиб, тушуниш малақаси ортганлигидан, бу ёшда ёдлаш жуда суст, унутиш эса жуда тез бўлар экан. Шунинг учун юқорида зикр қилинган ёшлик давларидан унумли фойдаланиб қолиш зарур экан. Лекин бу йигирма уч ёшдан кейин ёдлай олмайди, дегани эмас, балки бундан мақсад киши қанчалик ёш бўлса, ёдлаш қобилияти шунчалик қучли ва мустаҳкам бўлишини таъкидлашдир.

Имом Абу Ханифа кироат илмини Имом Осимда ўқиб ўрганди. У кишининг ўзларига ҳос кироатлари йўқ эди, яъни Имом Осим кироатида ўқир эдилар. Кейинчалик Имом Абу Ханифа қатта ёшга кириб, фикх илмида пешқадам бўлганларида Имом Осим Абу Ханифа ҳузурларига фикхни ўргангани келиб: «Сиз бизнинг олдимизга ёшлигингизда келган эдингиз, биз эса сизнинг ҳузурингизга қариганда келдик», деган эканлар. (Абу Убайднинг «Куръон фазилатлари» номли асарининг хошиясида битилган. 216-бет.)

2. Куръон ёдлаш учун муносиб вақт: олимлардан бири: «Ёдлаш учун энг муносиб вақт сахар, баҳс учун мос пайт тонг отган вақт, қитобат учун мос пайт куннинг ўртаси, мутолаа ва музоқара учун эса кечаси», деган эди. («Чиройли сўзлар» асарининг 186-бети)

3. Куръон ёд олиш учун жой тайёрлаш: Куръони Каримни енгил ёд олишга ёрдамчи бўлган омиллар қуйидагилар: таҳоратли бўлиш; қиблага қараб ҳушӯ-ҳузуӯ, виқор ва суқунат билан ўтириш; ўтирган жой кўзга ташланмайдиган бўлиши, нақшинқор, зийнатланган ва қалғитадиган нарсалар билан жихозланган бўлмаслиги; тоза, баҳаво бўлиши; жуда кенг, дарахтзор бог бўлмаслиги ва тинч бўлиши мақсадга мувофиқдир.

4. Такрорлаш ва қайта ўқиш: бир оятни такрорлаш ва қайта ўқиш ўша оятни чиройли адо қилиш ва яхши ёдлашнинг асоси ҳисобланади. Бишр ибн Суррий: «Оят бамисоли ҳурمودир: қанча кўп қайналса, шунча мазаси чиқади», деган эди. Бу гап Абу Сулаймонга айтиб берилганида, у: «Ровий тўғри гапирибди, сизлардан айримлар бир сурани бошласа, уни охирига етказишни хоҳлайди», деган эди. (Бурҳон фи улумил Куръон)

асарининг 1/471-бети)

Куръони Каримни ёдлашда оятларни такрорлаш асосий омил хисобланади. Чунки такрорланган нарса яхши ёдда қолади.

Куръон ёдлашда факат оятларни тушунишга таянибгина колмасдан, балки ўша оятларни кайта такрорлаш керак бўлади. Чунки тил оятларни такрорлашга ўрганса, ёдланган оятлар зехн панд берган пайтда ҳам ўз-ўзидан тилга кела бошлайди. («Чиройли сўзлар» асарининг 89-90-бетлари)

Хар бир нарсани ёдлаш учун уни кўп-кўп такрорлаш керак. Ўртача зехнли талаба бир оятни уч мартадан ўн мартагача такрорлашда ёд олса, ўткир зехнли талаба ўша оятни икки мартада ёдлаши мумкин. Шунингдек, зехни паст талаба эса, бир оятни ўн мартадан ўттиз мартагача такрорлаш оркали ёд олади.

Булардан ташкари, оятларни такрорлаш натижасида кўплаб яхшиликларга эришилади. Чунки Аллох таоло Куръоннинг бир оятига ўнлаб ва хатто беҳисоб ажрлар берилишини ваъда қилган. Шундай экан, бир оятни ёдлаш, хатоларни тўғрилаш, кайта такрорлаш ва устозга ўкиб бериш асносида канча марта такрор ўқилса, шунча савоб берилади. Демак, Куръон оятларини такрорлаганда, яхшиликларни битувчи фаришталар ўша савобларни корининг номаи аъмолига битиб борадилар, Аллох таоло хузурида унинг исмини зикр қиладилар. Куръон оятларини такрорлаш билан кори жаннат неъматларига эришади ва олий даражаларга кўтарилади.

5. Куръон ёдлаш вақтида кироатни ошкор ва овозни баланд қилишнинг афзаллиги: Куръон ёдлашни хохловчи киши ёдлаётган нарсасини такрор ўқиётганида овозини баландлатиб ўқиши лозим. Чунки бунда кўпроқ хиссиёт аъзолари иштирок этади ва ёдлаш ҳам мустахкам бўлади. Зеро, эшитиш аъзоси бўлмиш кулок кўриш аъзоси бўлган кўздан кўра калбга кучлироқ таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам кўр кишиларнинг ёдлаши бошқаларга нисбатан тезроқ, мустахкамроқ ва афзалроқ бўлади. Абу Хомид Газзолий ўз дўстларига карата: «Агар дарс қилсангиз, овозларингизни баландлатинг, чунки бу мустахкам ёдлашда ва уйқуни кочиришда муҳимдир», дер эдилар. Шунингдек, у киши: «Паст овозда ўқиш тушунишда, баланд овозда ўқиш эса ёдлашда муҳим», деганлар. («Чиройли сўзлар» асарининг 74-75-бетлари)

6. Хайз кўрган аёлнинг Куръонни эшитиши, кўриши ва калб билан такрорлаш услуби: агар аёл киши хайз кўрган бўлса, Куръонни ёдидан чиқариб қўймаслиги учун уни эшитиши, шунингдек, калбидан ўтказиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, Мусхафга уни ушламасдан ва сўзларини талаффуз этмасдан ҳам қараши жоиздир. Тўрт мазҳаб имомлари наздида, хайз ва нифос кўрган ва жунуб кишига Мусхафни ушлаш ножоиз хисобланади. Аммо Абу Ханифа, Шофеий ва Имом Аҳмаднинг (рахматуллоҳи алайҳилар) наздида, хайз ва нифос кўрган аёлга мусхафни ўқиш мумкин эмас. Имом Молик эса бундай кишиларга шайтон ва жинлардан химояланиш мақсадида Куръондан озгинасини ўқишни жоиз, деб билган.

7. Куръонни яхши ёдлаган устоздан оғзаки ўрганиш: Куръони Каимни ёдлаш жараёнидаги асосий рукнлардан бири уни факатгина ёдлаш билан қифояланмасдан, балки бир устоздан ўрганишдир. Агар шундай қилинмаса, ўқувчининг хато қилиш эҳтимоли бор. Бу эса ушбу соҳанинг мутахассис олимлари айтган: «Илмни «сухуфий» – факат китоб кўрган кишидан ва Куръонни «мусхафий» – Куръонни бирор устозга мурожаат қилмасдан, Мусхафдан ўрганган кишидан ўрганмагин!» деган хикматли сўзнинг айни маъносидир. Бу, сен илмни факат китоблардан, Куръони Каримни эса яхши ўзлаштирган бирор коридан ўтказмасдан, ўзича ўрганган кишидан ўрганмагин, деган

мазмундадир.

8. Нафл ибодатларда махфий ва калбдан тиловат килиш: Кори нафл ва тарових намозларида Куръонга караб тиловат килиш ножоиз деб эътикод килмоги лозим. Ханафий мазхабига кўра, махфий ва калбдан кироат килиш керак бўлади.

9. Куръон ёдлашда сабоқ оз бўлса ҳам, давомийликка эътибор қаратиш: Куръон ёдлашда энг мухим саналган ишлардан бири уни хар куни ўқишни канда килмасликдир. Кори каттик касал бўлганида ҳам, хатто энг якин кишилари оламдан ўтган кунларда ҳам бу режага вақт ажратиши керак. Чунки Куръон ўқилмасдан ўтган бир кун бир неча куннинг баракаси кетишига сабаб бўлади.

Шунингдек, корининг кунлик Куръон ёдлашида тартиб, сабр, сабот ва доимийликнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, Расулulloх (алайхиссалом) бир хадисларида: «Аллох таолога амалларнинг энг махбуброги, гарчи оз бўлса ҳам, давомлирогидир», деганлар.

Инсонда мавжуд иктидорлардан бири ёд олиш бўлиб, агар киши бу қобилиятни ёдлаш ва маълумотларни қайта ишлашга йўналтирмасдан, ўз холига ташлаб қўйса, иш фаолияти сусайиб, дангаса бўлиб қолади.

«Куръон ёдлаш фазилатлари» китобидан